2014 ЙИЛ 9 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 70 (12.631)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Истиқлол йилларида миллий-маънавий қадриятларимизни, улуғ аждодларимиз номини тиклаш, улар меросини ўрганиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом этмоқда.

9 апрель — Амир Темур таваллуди куни

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Амир Темур – ўзлигимизни англаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасидаги улуғвор ишларда халқимиз тийнатидаги бунёдкорлик, ободлик ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги саодатли кунларга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка ишонч билан яшашдек фазилатларга маънавий куч бағишлаётган шавкатли сиймолардан биридир. Қудратли салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида бой амалий ва назарий мерос қолдирган, илму фан, бунёдкорлик, маданият, маънавият ривожига кенг йўл очган буюк аждодимизнинг ҳаёт йўли бугунги авлодлар учун ибрат мактабидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди. Шу йили бобокалонимизнинг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Тошкентда, Самарқандда, Шаҳрисабзда буюк бобомизнинг улуғвор ҳайкаллари қад кўтарди. Пойтахтимиздаги файзли хиёбон, шоҳкўча, метро бекати, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва маърифат масканлари Соҳибқирон номи билан аталмоқда.

Тошкентда барпо этилган Темурийлар тарихи давлат музейи ўзининг бетакрор кўрку салобати билан нафақат юртдошларимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келаётган сайёҳларда ҳам ҳайрату ҳавас уйғотмоқда. Халқаро Амир Темур жамғармаси фаолияти ва Амир Темур ордени юртдошларимизни давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, илм-фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда Ватанимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшишга руҳлантирмоқда. 2011 йили давлатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан «Темур тузуклари»нинг мукаммал ҳолда чоп этилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Халқимиз Соҳибқирон таваллуд санасини ҳар йили кўтаринки руҳда нишонлайди. Шу кунларда бобомиз таваллудининг 678 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган илмий анжуманлар, тадбирлар, давра суҳбатларида мустақиллик туфайли улуғ аждодимиз хотирасини эъзозлаш, ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этишга кенг йўл очилгани алоҳида қайд этилмоқда.

Анъанага кўра 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, кенг жамоатчилик, талаба-ёшлар иштирок этди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, темуршунос Ҳаким Сатторий ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўзлигимизни англаш ва миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган ислоҳотлар жараёнида Амир Темурнинг ўлмас номи, жаҳон тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини ўрганиш, бой маънавий меросидан ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланиш юзасидан бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Бугун Амир Темур ва темурийларнинг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги улкан меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси равнақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб бадиий, публицистик асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг бари Соҳибқирон Амир Темур шахсияти ва уни етиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Бобокалонимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, қудратли давлат, адолатли жамият барпо этиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид эзгу тамойиллари бугун Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий мезонига айланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Соғлом бола йили, деб номланган жорий йилда соғлом ва баркамол авлод келажаги учун ғамхўрлик кўрсатиш, уларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялашдек эзгу ишларда, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларда бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топаётир.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

* * *

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида ўзбек давлатчилигида Амир Темур ва темурийлар салтанатининг ўрни мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбир доирасида «Буюк аждодлар мероси – барҳаёт» номли кўргазма ташкил этилди.

Соҳибқирон таваллудига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири
Сарвар Ўрмонов олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришга доир миллий қонунчиликни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламентдаги фракцияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида қабул қилинадиган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнидаги аҳамияти муҳокама қилинди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси жорий йилнинг март ойида биринчи ўқишда қабул қилинган эди.

Қонун фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлашда мазкур институтлар ролини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир дастурларни ҳаётга татбиқ этиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларини янада фаоллаштиришга кўмаклашишини таъкидлади.

Ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий шерикликнинг асосий тушунча ва тамойиллари, вазифалари, уни қўллаш соҳаларини ўз ичига олган бўлиб, ижтимоий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатини белгилайди, ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзаро ҳамкорлиги шаклларини тартибга солади. Давра суҳбати иштирокчиларининг фикрича, буларнинг барчаси кўплаб ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

– Шуниси эътиборлики, қабул қилинаётган мазкур қонуннинг ўнта моддаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси фаолияти билан бевосита боғлиқ, – дейди ЎзА мухбирига ушбу фонд директори Абдужалил Тўраев. – Фонд нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлайдиган мустақил тизим сифатида давлат субсидиялари, ижтимоий буюртма ва грантлар шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш борасида қисқа ва узоқ муддатли лойиҳалар, дастурларни амалга оширмоқда.

"Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари қонун лойиҳасининг партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги аҳамиятини таъкидлади.

Давра суҳбати иштирокчилари "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Сардор ТОЖИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2014 йил 10 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий учрашуви шоир ва бастакорлар ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекфильм» киностудиясида тасвирга олинган «Тоға» бадиий фильмининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун премьераолди намойиши ва фильм ижодкорлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежида ёшлар меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ўстириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилади.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан «Камалакнинг етти маликаси» кўрик-танлови ўтказилди. Унда ташкилот сардорлар кенгашининг энг фаол етти аъзоси ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

● Шеробод туманидаги «Суҳроб-Соҳиб-Сардор» хусусий корхонасида қурилиш учун зарур ўндан ортиқ турдаги бўёқ маҳсулотини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда 15 киши меҳнат қилаётган корхонада кунига беш тоннадан ортиқ бўёқ ишлаб чиқарилиб, замонавий усулда қадоқланмоқда. «Гулшан» ёрлиғи билан тайёрланаётган ранг-баранг бўёқлар харидорларга манзур бўлмоқда.

● Фарғонада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан адабиёт кунлари ўтказилди. Ушбу нафосат байрами халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан ташкил этилган адабий-бадиий тадбирларга уланиб кетди.

● Бухоро шаҳрида республика Байналмилал маданият маркази ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида дўстлик фестивали ўтказилди. «Ўзбекистон — ягона оила» шиори остида ташкил этилган ушбу тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган ўндан зиёд миллий-маданий марказлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

● Самарқанд шаҳрида гандбол бўйича қизлар жамоалари ўртасида «Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақаларининг саралаш беллашувлари бўлиб ўтди. Саралаш мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Испаниянинг Тенерифе шаҳридан Тенерифе — Барселона йўналиши бўйича парвозни амалга ошириш учун ҳавога кўтарилган, бортида 134 нафар йўловчи бўлган «Buelihg Airlines» авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти тез орада двигателларидан бирининг ишламай қолганлиги боис фавқулодда қайта ерга қўнишга мажбур бўлди. Энг муҳими, самолётни қўндириш чоғида ҳеч кимга зарар етмади.

● Индонезиянинг Ява ва Суматра оролларида рўй берган ер кўчкилари натижасида камида 16 нафар киши ҳаётдан кўз юмган. Жумладан, Ява оролининг ғарбий қисмида жойлашган Богор шаҳрида фойдали қазилмаларни излаш ишлари билан шуғулланаётган саккиз киши босиб қолган шахтанинг тагида қолиб кетган бўлса, Тасикмалая шаҳрида ер кўчиши натижасида ҳаракатланаётган поезднинг учта вагони издан чиқиб кетган ва беш нафар йўловчи ҳалок бўлган.

● Угандада ёввойи табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ташкилот ходимлари тўрт нафар балиқчининг умрига зомин бўлгани тахмин қилинаётган вазни 900 килограммдан ортиқроқ бўлган улкан тимсоҳни ушлашга муваффақ бўлишди. Ушбу йиртқични овлаш учун овчилар тўрт кун давомида саъй-ҳаракатларни амалга оширишди.

Қарор ва ижро

ТОШКЕНТ — ОБОД ВА ОЗОДА ШАҲАР

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида пойтахтимизда экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик такомиллаштиришга йўналтирилган ислоҳотлар жараёнида табиатга безарар усул ва воситаларни кенг татбиқ этиш, табиий ресурсларни тежашга қаратилаётган доимий эътибор ўз самараларини бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида бу йўналишдаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимизда ҳам мазкур йўналишдаги чоратадбирларни белгиланган муддатларда татбиқ этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилаётир. Жумладан, саноат корхоналарида чиқиндисиз технологияларни жорий этиш, оқаваларни тозалаш жараёнини такомиллаштириш, автотранспорт воситаларини соф ёнилғига ўтказиш борасида ўзига хос лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шаҳарнинг санитар-тозалаш тизимини такомиллаштиришга оид лойиҳалар натижасида маҳаллаларда маиший чиқиндиларни йиғиш бўйича замонавий чиқиндихоналар барпо этилди. Чиқиндиларни ташиб кетишга ихтисослашган корхоналар янги автотранспортлар билан таъминланди. Бу йўналишда аҳолига хизмат кўрсатишнинг муқобил шакллари яратилди.

Шаҳарда ҳар йили янги боғлар, яшил ҳудудлар барпо этиш, маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш бўйича узлуксиз тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар шанба тозалик куни деб эълон қилинган. Шу кунлари маҳаллаларда оммавий ҳашарлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил. Ушбу ноёб табиат бойликларини асраш ва кўпайтириш, экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ ишлар ўз самараларини бераётир. Кейинги йилларда ҳавога чиқарилаётган ва сувга оқизилаётган чиқиндилар миқдори кескин камайди. Шаҳримизнинг яшил майдонлари йилдан йилга кенгаймоқда. Бундай ишлар натижасида пойтахтимиз дунёдаги энг гўзал ва обод шаҳарлар қаторида эътироф этилмоқда.

Тадбирда пойтахтимизда экологик қонунчиликнинг бажарилишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, ер, сув ва бошқа табиат неъматларига салбий таъсир этишнинг олдини олиш, аҳоли орасида экологик тарғибот ишларини ташкил этиш, экологик таълимни такомиллаштириш масалалари хусусида фикр юритилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ФУҚАРО ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Пойтахтимизда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатлари хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларни идентификация қилиш тизимларини бошқариш масаласига бағишланган минтақавий семинар ўз ишини бошлади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси томонидан ташкил этилди. Семинарни ўтказишдан мақсад миллий мутахассисларни Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатлари соҳасида тавсия этилаётган амалиёти билан таништириш ва Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасини намойиш этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори Н.Тўрахўжаев, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, элчи Дьердь Сабо ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланадиган йўловчилар учун қулай шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2011 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонларига мувофиқ мамлакатимизда фуқароларнинг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида ахборот жамланган электрон чип ҳамда юқори даражада ҳимояланган биометрик паспортни жорий этиш ишлари изчил давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилаётган янги намунадаги паспорт Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан тавсия қилинган машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатнинг жорий этилиши шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификация қилиш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишларни сифатли амалга ошириш ҳамда самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради. Мамлакатимизнинг ушбу тизимни жорий этиш тажрибаси халқаро экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Ўзбекистон фуқаросининг биометрик паспорти персоналлаштириш соҳасида дунёдаги энг илғор технологиялар қўлланилганининг ёрқин намунасидир, – дейди ЎзА мухбирига «Oberthur Technologies» компаниясининг (Франция) шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар лойиҳалари бўйича директори Тибо Субрия. – Мамлакатингизда шахсни идентификация қилиш тизимида фуқаролар ҳақидаги маълумотларни тўплашдан то чегара назоратини амалга оширишга қадар бўлган жараёнда хавфсизликнинг юқори даражаси таъминланган. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси бошқа кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Минтақавий семинар иштирокчилари уч кун давомида бутун дунёда машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатлари тизимининг стандартлари, янги технологиялари ва уни янада ривожлантириш стратегиясини ўрганади. Халқаро экспертлар ва хорижий давлатлар вакиллари бу йўналишдаги ўз тажриба ва иш услуби билан таништиради. Семинарда, шунингдек, ИКАОнинг машина ўқийдиган ҳаракатланиш ҳужжатлари, ҳимояланган ҳаракатланиш ҳужжатларини тайёрлаш стандартлари, техник хусусиятлари, чегара назоратидан ўтишда ҳужжатни текширишнинг замонавий тизим ҳамда воситалари муҳокама этилади.

Бобур ОБИДОВ

2014 йил — Соғлом бола йили

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ҲАМКОРЛИК

Маълумки, «Соғлом бола йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни вояга етказиш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бунда оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида «Адолат» социал-демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «Таълим: замонавий даража ва моддий базани яхшилаш» лойиҳаси асосида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида оила, маҳалла, таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни амалга оширишда жамоатчилик назоратининг ўрни» мавзуида видео-конференция ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, умумтаълим мактаблари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Баркамол авлодни тарбиялашда ўзаро чамбарчас боғлиқ уч омил — оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги концепцияси халқимизнинг кўп асрлик қадриятлари асосида яратилган бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни умуминсоний ва миллий анъаналар руҳида тарбиялашни, мафкуравий ва маънавий тахдидлардан ишончли ҳимоя қилишни, ғоявий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Зеро, таълим учун нафақат ўқитувчи, балки ота-она, оила ва маҳалла ҳам бевосита масъулдир.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С. Турсунов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Раҳмонов, «Оила» илмий-амалий маркази директори в.б. Ҳ. Мамадалиева, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари Г. Алимова ва бошқалар ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб вояга етказиш масаласи давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида устувор аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, касб-ҳунарга йўналтириш, таълим олишга бўлган интилишини ошириш, ўқишга қатнаши бўйича давоматни янада яхшилашда «Оила–маҳалла–таълим» муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирликлари ҳузурида ушбу йўналишдаги ҳамкорлик билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш юзасидан жамоат кенгашлари самарали фаолият олиб бормоқда.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида оила институти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлигини янада кучайтиришга оид комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан манфаатдор вазирликлар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда «Таълим: замонавий даража ва моддий базани яхшилаш» маърифий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳада таълим тизимида ислоҳотларни амалга оришда, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарзда вояга етказишда, сифатли билим олишида, шунингдек, таълимга доир меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда партиянинг иштирокини таъминлашга оид чора-тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратилган.

Анжуманда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни оммавий спортга кенг жалб этиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ишларида партиянинг фаоллигини ошириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётганлиги таъкидланди. Шунингдек, таълим муассасаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишилиб, муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг шинам ва қулай «Боинг-767» русумли самолётининг «Changi Airport» номли дунёнинг энг машҳур аэропортларидан бирига парвози билан яна бир янги Тошкент — Сингапур авиайўналиши йўлга қўйилди.

ТОШКЕНТ — СИНГАПУР:

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»НИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Сингапур Республикасига буюрган расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши ва халқларимиз орасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишида янги имкониятларни очиб берди. Жорий йилда Ўзбекистон ва Сингапур ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигига 17 йил тўлади. Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорликнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланиш ҳамда фикрларнинг уйғунлиги икки давлат манфаатлари йўлида хизмат қилмоқда. Ва мазкур янги Тошкент — Сингапур — Тошкент қатнови мустаҳкам ва хавфсиз кўприк сифатида халқларимиз ўртасида маданий-ижтимоий ҳамда тижорий-иқтисодий соҳада алоқаларнинг кенгайишига ўзига хос замин яратади.

Мазкур воқеага бағишлаб Сингапурда ўтказилган расмий тадбирда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Бош директорининг биринчи ўринбосари Акмал Акбаров икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланиши йўлида олиб борилган самарали фаолияти учун икки давлат дипломатик миссияларига ташаккур билдирди. Шу билан бирга, Ўрта ва Жануби-Шарқий Осиё пойтахтлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновнинг йўлга қўйилишига катта ҳисса қўшган Сингапур ҳукумати, «Чанги» халқаро аэропорти раҳбарияти ва ходимларига, шунингдек, икки томонлама туризмнинг ривожланишида фаол қатнашган Сингапур туристик агентликлари Миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон хусусий туристик ташкилотлар ассоциациясига миннатдорчилик изҳор этди.

— Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси яқиндагина ўзининг 22 йиллигини нишонлади. Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» дунёнинг энг машҳур авиакомпаниялари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш мақсадида жуда юқори халқаро авиацион стандартларни ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Биз барча манфаатдор томонларни фуқаро авиацияси ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорликка таклиф этамиз, – дея таъкидлади А.Акбаров.

«Changi Airport» Бош ижрочи директори Ли Су Янг Ўзбекистон авиаташувчисини қулай ва шинам авиалайнерларда жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатувчи ишончли ҳамда нуфузли ҳамкор сифатида таърифлади. Шунингдек, у «Changi Airport» имкониятлари ҳақида маълумот берди. Ҳозирда Сингапурни дунёнинг 200 шаҳри билан боғлаб турган мазкур ҳаво маскани Жануби-Шарқий минтақадаги бош авиацион хаб ҳисобланиб, бешта терминалга эга ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясига биринчи терминалда хизмат кўрсатилади.

Янги йўналиш очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда маданий дастур, Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ва Миллий авиакомпаниянинг имкониятлари ҳақидаги видеороликлар намойиш этилди. Шунингдек, «Хилтон» меҳмонхонаси залида Ўзбекистон амалий санъати кўргазмаси ташкил этилди.

(Ўз мухбиримиз)

КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯЛАР

Тошкент Молия институтида Ўзбекистонда аҳолининг молиявий маданиятини янада оширишга қаратилган лойиҳа доирасида амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чет эллик ва маҳаллий ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳа доирасида ташкил этилган семинарда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Банклар ассоциацияси вакиллари, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ва Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди раҳбарлари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори банкларнинг ишончлилигини таъминлашда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Қарорда 2011-2015 йилларда аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини 2,5 марта ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда аҳолининг молиявий маданиятини янада оширишга қаратилган лойиҳадан кўзланган мақсад юртдошларимизнинг бу борадаги билимини ошириш, молиявий режалаштиришнинг самарасини тарғиб этиш, аҳоли ва кичик бизнес вакиллари ўртасида молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжни кучайтиришдан иборат.

Халқаро экспертларнинг фикрича, аҳолининг молиявий билим даражасини оширишни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Семинарда германиялик мутахассислар бу борада халқаро миқёсда тўпланган тажриба, хусусан, молия ташкилотларининг аҳолининг турли гуруҳларига кўрсатаётган молиявий хизматлари, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг улардан фойдаланиши борасида сўзлаб берди.

Амалий семинарда ўқувчи-ёшларнинг молиявий маданиятини ошириш, молиявий хизматлардан фойдаланиш, оилавий бюджетни шакллантириш борасидаги билимини янада бойитиш, мавжуд таълим дастурларини такомиллаштириш юзасидан давлат идоралари, таълим муассасалари ва молия ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

9 апрель — Амир Темур таваллуди куни

Ёзма манбаларга назар ташлар эканмиз, миллий маданиятимиз хазинасидан ўрин олган эстетик қонун-қоидалар асосида барпо қилинган боғдорчилик санъати буюк Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида юқори чўққиларга чиққанлигининг шоҳиди бўламиз.

ТОШКЕНТ БОҒЛАРИ

Ҳақиқатда ҳам, 1370 йили Мовароуннаҳр тахтига ўтирган Амир Темур ўз давлати ҳудудидаги мўғуллар томонидан вайрон қилинган қадимий Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклашга катта аҳамият бериб, улкан бунёдкорлик ишларини олиб борган, мудофаа деворларини тиклаган, сарой, мадраса, меҳмонхона каби ҳашамдор иморатлар қурдирган, боғу роғлар яратган, савдо-сотиқ каби ишларни йўлга қўйиб халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилган.

Амир Темур Мовароуннаҳр ҳудудидаги шаҳарларнинг ободончилигига аҳамият берар экан, Тошкент шаҳрига ҳам алоҳида эътиборини қаратганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки бу шаҳар шимолдаги дашт чўллар билан деҳқончилик қилинадиган обод воҳалар чегарасида жойлашганлиги, муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлиги, қадимдан Буюк Ипак йўлида жойлашган маконлардан бири бўлиб, мўътадил иқлими, серсувлиги ва бошқа хусусиятлари туфайли ажралиб турган.

Буюк Соҳибқирон ўз фаолияти давомида тахтга ўтирмасдан ва кейин ҳам бир неча маротаба Тошкентда бўлиб, уни обод қилиш билан бир қаторда мустаҳкам ҳарбий қароргоҳлардан бирига айлантирган.

Гарчи бизнинг даврларгача ёзма манбаларда булар ҳақида оз маълумотлар етиб келган бўлсада, Амир Темур ва темурийлар даврига оид ёзма манбалардаги маълумотларга илмий ёндошилган ҳолда Тошкентда ҳам Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарлардагидек ўзига хос гўзал боғлар бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Тошкентнинг бу сифатини Самарқандга қиёслагудек бўлсак, хато бўлмайди. Испания элчиси Клавихонинг Самарқандни таърифлаганидек, албатта, четдан келган сайёҳларга Тошкент шаҳри узумзорлар, баланд мевали ва манзарали дарахтлар билан ўралгандек кўринган бўлса ажаб эмас. Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, шаҳримизда ҳам кўплаб боғлар, дала-ҳовлилар бўлганлиги тарихий манбаларда эслатиб ўтилган.

Масалан, XX асрнинг тарихчи олими тошкентлик Муҳаммад Солиҳхўжанинг ёзишича, юртимизда етиштирилган узумнинг бир тури борки, уни бир бошига ширинлигидан тўрт одам тўяр экан, оқ шафтолисининг бир донасидан бир пиёла шарбат чиқаркан, анори сersув, ширин бўлиб, йириги болаларнинг бошидай экан. Восифий ўз асарида Тошкентдаги Кайковус чорбоғи ҳақида ёзиб, уни шаҳар кўрғонидан ташқарида бўлиб, унда хон ва султонлар учун шифохона бўлганлигини ёзади. Ҳеч шубҳа йўққи, ушбу шаҳар ҳам Амир Темур ва темурийлар тасарруфидагилардан бири бўлиб, табиатининг гўзаллиги жиҳатдан бекаму-кўст эди ва кейинги даврларда ҳам гуллаб-яшнаган. Бу ҳақда темурийлар даврида Ҳиротда таваллуд топиб, Шоҳруҳ мадрасасида таҳсил олган замонасининг етук адиби ва шоири Восифий тахаллуси билан танилган Зайниддин Маҳмуд ибн Абдужалил «Бадоеъул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») номли асарида қимматли маълумотларни қолдирган. Олим умри давомида кўп шаҳарларни зиёрат қилган. Жумладан, Амир Темур томонидан қайта тикланган Самарқанд, Бухоро, Шоҳруҳия каби шаҳарларда бир неча йил фаолият олиб борган ҳамда 80 йиллик умрининг ярмига яқинини шаҳримизда ўтказган ва шу ерда вафот этиб, Каффол Шоший мақбарасига дафн этилган. Восифий Тошкентни «Сув тўла ҳовузлари сафо чашмасидан нусхадир: ойнадек тоза суви дарахтлар ва қушлар суратларидан тасвирли саҳифага ўхшаб кетарди...» деб таърифларкан, ўзининг қалбларни тўлқинлантирувчи ҳаяжонини шеърий сатрлар орқали давом эттиради:

«Тошканд мулкини букун таърифин этай,
Нуқталар шодасин назмга битай,
Андоқ бир шаҳарки жаннатмакондир,
Хижолатдин жаннат сийнаси қондир.
Теграсин қуршаган гўзал чорбоғлар,
Алардин Эрамнинг кўксида доғлар.
Боғларни вафсина агар киришсам
Ёддан кўтарилур беҳишту Эрам...»

Тарихий манбалар ва археологик тадқиқотлар натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, Восифий томонидан таърифланган мевали боғларга халқимиз томонидан қадимдан эътибор қаратилганлигининг шоҳиди бўламиз.

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва унинг авлодлари даврида боғдорчилик санъатига янада кенгроқ аҳамият берилиб, Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарларида бири-биридан гўзал боғлар яратилган ва улар қадимий анъаналарга кўра икки хил кўринишда, яъни табиий манзарага баъзи бир тузатишлар киритиб, табиат хушманзаралари асосида яратилган боғлар ва инсон ўзи истаган (тўртбурчак, тўғри тўртбурчак каби) шаклда яратган геометрик шаклдан ташкил топган тартибли боғлардан иборат бўлган.

Бу боғларнинг обод бўлиши, яшнаб гуркираши учун сўзсиз, биринчи навбатда сув масаласи тўғри ҳал қилинган. Амир Темур ва Темурийлар даврида бунёд этилган пойтахтдаги боғларнинг томири — ариқларида шилдираб оққан зилол сувлар ва уларни сув билан таъминловчи каналлар, фавворалардан отилиб турган биллур сувлар ҳақида кам маълумотга эгамиз. Восифийнинг маълумотича, Тошкент атрофидаги боғларни сув билан таъминлашда Сирдарёнинг йирик ўнг ирмоғи ҳисобланмиш Парак (ҳозирги Чирчиқ) дарёси муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу дарёдан жуда қадим замонларданоқ сув олган Бўзсув, Салор, Анҳор, Кайковус, Қорасув каналлари бўйларида шаҳарлар бунёд этилиб, уларнинг атрофида деҳқончилик, жумладан боғдорчилик тараққий этган.

Манбаларнинг қайд этишича, Тошкент кўкаламзорлиги, ободлиги ва баҳаволиги билан Мовароуннаҳрнинг энг соғлом шаҳарларидан ҳисобланган, унинг ташқарисида боғлар ва ариқлар кўп бўлган. X-XI асрларда гуллаб-яшнаган шаҳар Тошкент деб юритила бошлаган ва кейинги инқирозлардан сўнг Амир Темур даврига келиб яна равнақ топган, унинг майдони кўпайиб борган. Шунга яраша боғлар сони ҳам ортиб, уларнинг ҳажми кенгайган. Илмий адабиётларда учрайдиган Боғистон, Боғи чинор, Боғи шамол, Боғ кўча, Олмазор, Бодомзор, Ўрикзор, Теракзор, Қатортол каби боғ номлари билан боғлиқ атамалар Тошкент ва унинг атрофларидаги боғларда етиштириладиган дарахт навлари, мевалари ҳақида маълумотлар беради. Уларни сув билан таъминлашда эса эслатилган каналлар ва улардан чиқарилган Дархонариқ, Бўзариқ, Захариқ, Лабзак ариғи, Жўнариқ кабилар муҳим роль ўйнаган.

Ўткир АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейининг етакчи илмий ходими

БАШАРИЯТ ТАРИХИДАГИ УНУТИЛМАС СИЙМО

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Амир Темур – мумтоз сиймо» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Буюк Соҳибқирон таваллудининг 678 йиллигига бағишлаб ташкил қилинган ушбу тадбирда тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Н.Ҳабибуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида тарихимизни асл ҳолича ўрганиш, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини чуқур тадқиқ этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатларда Амир Темур ва темурийлар ҳаёти, фаолияти, уларнинг жаҳон илм-фани, цивилизациясига қўшган ҳиссасини атрофлича ўрганиш, ушбу маънавий меросдан ёшларни ватанпарварлик, мардлик, қатъият ва жасурлик руҳида камол топтиришда самарали фойдаланиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимиздаги барча олий ўқув даргоҳларида бўлгани каби Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам Темур ва темурийларнинг жаҳон тамаддуни равнақи йўлидаги муносиб ҳиссаси ижтимоий-гуманитар фанлар билан биргаликда саҳна маданияти, саҳна нутқи каби мутахассисликка оид ўқув машғулотларида ҳам чуқур ўрганилмоқда.

— Ўзлигини англашга интилган ҳар бир халқ буюк аждодларининг мамлакат ва жаҳон тарихида тутган ўрни, хизматларини эъзозлайди, — дейди ЎзА мухбирига институт талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Малика Нарзуллаева. – Башарият тарихида ўчмас из қолдирган Амир Темур бобомизнинг заковати, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш қобилияти ҳамон ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Давра суҳбатида ўзбек адабиёти ва санъатида Амир Темур сиймоси, Темурийлар тарихи давлат музейи – тарих ва маданият кўзгуси каби мавзуларда маърузалар тингланди. Саҳна асарларидан лавҳалар ижро этилди.

Н.УСМОНОВА

Мамлакатимизнинг тараққий этиши, тинч ва хотиржамлиги унда яшовчи инсонларнинг қалбида ҳаётга бўлган ишонч, умидни уйғотиши билан бирга ўз турмушини фаровон қилишга интилиш ҳамда эл-юрт учун хизмат қилишга ундайди. Бироқ шундай ҳур заминда фаровонлигимиз ва тинчлигимизга раҳна солаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Шундай глобал муаммолардан бири бу — одам савдосидир.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Одам савдоси қурбонларига айланган шахсларни ҳуқуқий ҳимоялаш, уларни ижтимоий-иқтисодий ва тиббий-руҳий жиҳатдан реабилитация қилиш жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, одам савдоси, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ғайриқонуний ва ғайриахлоқий равишда айнан инсон томонидан камситилиши, йўққа чиқарилиши — кечириб бўлмас жиноят, оғир гуноҳдир.

Юнусобод туман ҳокимлигида «Одам савдоси — давр муаммоси» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда ҳам шу ҳақда сўз борди. Тадбир давомида одам савдосига оид ноқонуний ҳаракатларга қарши тадбирлар ташкил этиш, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан бажариладиган энг муҳим вазифалар тўғрисида батафсил фикр юритилди. Бунда фуқароларимизнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қимматини, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларининг жиноятчиларнинг тажовузкорлигидан ҳимоя қилиш асосий масалалардан ҳисобланиши қайд этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси ходими, подполковник Улуғбек Расулов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази доценти Севарахон Маринова, шаҳар Адлия бошқармасининг, тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўлими бошлиғи Аброр Бердиев, Тошкент Молия институти ўқитувчиси Фарҳод Фармоновларнинг таҳлилий маърузалари конференция иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Анжуманда аҳолининг глобал муаммолар, жумладан одам савдоси ҳақидаги билимлари ва тушунчаларини оширишга, бу борадаги тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарасини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўйлаймизки, конференция давомида берилган илмий ва амалий таклиф ва тавсиялар бугунги кунда кўз ўнгимизда юз бераётган одам савдосидек мудҳиш иллатни бартараф этишга, турли хил глобал муаммоларнинг олдини олишга ва фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.

Наргиза ҚЎЗИЕВА,
Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

КИЧКИНТОЙЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Мактабгача таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика ўқув-методик марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мазкур қўмитанинг болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этишнинг ҳолати ва истиқболларига оид қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда моҳиятан янги мазмунга эга бўлган таълим тизими яратилиб, у жаҳонда ёш авлодга билим ва тарбия беришнинг «ўзбек модели» сифатида юксак эътироф этилаётганини таъкидлади.

Ислоҳотлар жараёнида мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, болаларни уларга кенг жалб этиш ва ўқишга тайёрлаш юзасидан бир қатор инвестицион лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу бўғиндаги таълим-тарбия масканларида инновацион ва тажриба-синов ишлари сезиларли даражада кучаймоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, болаларнинг қобилияти, психологик ва жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи ўқув-кўргазмали қуроллар, ўйинчоқларни жойларга етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Болажон» маърифий дастури кичкинтойларни саводга тайёрлаш, нутқини ўстириш, гигиеник кўникмаларини шакллантириш билан бирга тасвирий санъат, мусиқа саводхонлиги, маънавиятини юксалтириш, Ватанни севиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини муттасил ривожлантириб бориш бўйича интеллектуал ўйинлар билан бойитилди. Ўйинчоқларни яратиш бўйича бадиий кенгаш ташкил этилди, рационал овқатланишни мослаштиришга оид ишлар тобора такомиллаштирилмоқда.

Йиғилишда болаларни мактабгача таълим масканларига жалб этишга оид ишларни янада кучайтириш, бунда вазирлик ҳамда ҳокимликлар томонидан амалий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, таълимнинг ушбу бўғинида чет тилларини ўқитиш, мусиқа, расм, жисмоний тарбия ва спортга оид машғулотлар учун қулай шароит яратиш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

(ЎзА)

Қарор ва ижро

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Маълумки, бугунги глобаллашув жараёнида ҳаётимизни гидрометеорология хизматларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, чунки қишлоқ хўжалиги, авиация каби кўплаб тармоқларнинг фаолияти ушбу хизмат маълумотлари орқали тўлақонли шакллантириб борилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин юртимизда об-ҳаво ҳодисаларини прогнозлаш ва аҳолини ўз вақтида хабардор этиш ишларини такомиллаштиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлди. Унга мувофиқ ҳозирги вақтда Гидрометеорология хизмати маркази ҳодимлари метеорология, агрометеорология, гидрология йўналишларида хизмат кўрсатмоқда, иқлимий маълумотларни тайёрлаб, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар мониторингини олиб бормоқда. Айни пайтда Марказий Осиё мамлакатлари гидрометеорология хизматларига кўмак кўрсатиш САДСА халқаро лойиҳаси доирасида янги ерусти станциясини ўрнатиш ишлари амалга оширилаяпти. Бу эса яқин келажакда қисқа муддатли (1-2 сутканлик) об-ҳаво прогнозлари сифатини яхшилашга имкон берувчи қўшимча маълумотлар олишга хизмат қилади. Шунингдек, халқаро лойиҳа доирасида соҳа учун ўрта тизим мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш учун мўлжалланган янги ўқув-намойиш асбоб-ускунаси Тошкент гидрометеорология касб-ҳунар коллежи негизида ташкил этилган Жаҳон метеорология ташкилотининг Минтақавий ўқув марказида ўрнатилади. Мазкур асбоб-ускуналар нафақат Ўзбекистон гидрометеорология соҳаси мутахассислари, балки қўшни давлатлар мутахассисларининг малакасини ошириш учун ҳам зарурдир. Шу йўналишдаги ишлар натижасида коллежнинг метеорологик майдончаси янгиланиб, унда метеорологик ускуналарнинг янги тўпламлари ва автоматик станция ҳам ўрнатилади. Бу лаборатория ускуналари барча об-ҳаво прогнозлари асосини ташкил этувчи метеорологик катталикларни ўлчашда энг зарур жиҳоз бўлиб, ўқувчиларнинг ўз касбини чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради. Хусусан, коллежимизда Бутунжаҳон Метеорология куни муносабати билан ўтказилган тадбирда дунё давлатлари ва мамлакатимизда соҳани ривожлантириш борасида эришилаётган ютуқлар билан бирга мавжуд муаммоларни амалий ҳал этишга қаратилган фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Нафиса МИРЗАЛИЕВА,
Тошкент Гидрометеорология касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Санъат

ДИЛЛАРГА СУРУР БАХШ ЭТДИ

Ҳақиқий санъат сеҳри ва жозибаси – мусиқа билан тирикдир. У инсон қалбини доимо яхшилик ва эзгуликка етаклаб, меҳр булоғидан яралган самимий туйғулар оғушида яшаш бахтини инъом этади. Бундай бахт нашидасидан эса, найнинг дилларга яқин, кўнгилларга манзур мунгли ва маҳзун наволари орқали баҳраманд бўлишимиз мумкин.

Бугунги кунда най созининг сир-асрорларини ўрганишга бел боғлаган, ижод иштиёқи, завқи ва шижоати билан яшашни ўз олдига мақсад қилиб, осмони мусаффо, тонглари мунаввар Ўзбекистонимизнинг гўзал маҳзини ўз санъатлари билан дунёларга танитаётган, мусиқа деб аталмиш ажиб гулшан уммонида порлаб келаётган умидли ва истеъдодли ёшларимиз ниҳоятда кўп. Улар эришаётган муваффақият, ютуқ ва натижалар эса таҳсинга лойиқдир.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг орган залида «Най садоси» деб номланган ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Ушбу концерт дастури «Шарқ мусиқаси» факультети «Халқ чолғуларида ижрочилик» кафедрасининг профессор-ўқитувчилари — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, катта ўқитувчи Шукрулло Аҳмаджонов, Республика кўрик-танловлари ғолиби, катта ўқитувчи Сурайё Ходжаева, Халқаро ва республика кўрик-танловлари ғолиби, ўқитувчи Ботир Досимбетовларнинг талабалари томонидан «Соғлом бола йили» муносабати билан ташкил этилди.

Ушбу концерт дастури найчилар ансамбли томонидан М.Муҳаммедовнинг «Баҳор тонги» асари ижроси билан кўтаринки руҳ ва юқори кайфият уйғунлигида очиб берилди.

Тадбир давомида ўзбек ва жаҳон композиторларининг энг сара мусиқий дурдоналари бўлмиш Ф.Сайфутдиновнинг «Суруди кўҳсор», М.Бафоевнинг «Хониш», Қ.Комилов ва Т.Тошматовнинг «Хаёлимда», В.Гнутовнинг «Тўрғай», Ж.Гаджиевнинг «Озарбойжон мавзуларига вариациялар», Ғ.Норбоевнинг най ва фортепиано учун куйлари юқори маҳорат билан ижро этилди ҳамда «Омнибус» ансамбли солистларининг ижроси таъриф буюрган меҳмонлар ва санъат иҳлосмандлари томонидан илиқ кутиб олиниб, эътирофларга сазовор бўлди.

Бундан ташқари жўрнавозлар Лола Абдулямова ва Гуллола Эгамбердиеванинг ижролари найнинг мусиқий тили, асарларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳамда концертнинг юқори савияда ўтишига замин яратди.

Шу тариқа ўзлари каби самимий, соф, беғубор туйғуларини, она Ватанга ва санъатга бўлган чексиз муҳаббатларини мусиқий изҳор орқали ҳар созида тараннум этган ўзбек ёшлари, санъатнинг баланд чўққиларини забт эта олишга қодир эканликларини яна бир карра исботладилар.

Гулмира НОРМЎМИНОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси

Спорт янгиликлари

ЭНГ КУЧЛИЛАР ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ҚАТНАШАДИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази ҳамда Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур турнирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 1500 нафар спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақани ташкил этишдан мақсад ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ҳамда уларни рағбатлантиришдир. Шу орқали терма жамоа сафлари халқаро беллашувларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилувчи янада кучли спортчилар билан тўлдирилади. Ўсмирлар, ёшлар ва катталар беллашган мусобақада тошкентлик Муҳаммадзоид Иминов, Рустам Ашуров, Ғофир Зоҳидов, Жамшид Сайфутдинов,Самар Ҳамроев, Абдулла Абдуваҳобов, наманганлик Сардор Файзуллаев, Аҳрор Низомбоев, сурхондарёлик Азиз Азизов, Садриддин Сайматов, андижонлик Муҳаммадрасул Маҳмудов, қашқадарёлик Шаҳбоз Ахатов каби каратэ усталари ғолиблик шоҳсупасидан жой олди.

– Финал баҳси жуда қийин кечди. Мен мазкур нуфузли чемпионатда ғолиб чиққанимдан беҳад мамнунман, – дейди ўн бир карра Ўзбекистон чемпиони Муҳаммадзоид Иминов.

Қизлар ўртасида кечган баҳсда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сурхондарё ҳамда Наманган вилоятлари вакиллари бўлган Ҳилола Бадалова, Замира Алиева, Зуҳра Қурбонова, Барно Мирзаева ва Баҳринисо Бобоева ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқишди.

– Мен финал баҳсида анча ҳаяжонландим. — Лекин ҳужумкорликка аҳамият берганим ҳакамларга маъқул келиб, мени ғолиб деб топишди. Бу натижага эришишимда машғулотларга зўр берганим асосий омил бўлди деб ўйлайман, – дейди Ўзбекистон чемпиони, жаҳон биринчилигида икки маротаба кумуш медални қўлга киритган, «Тўмарис маликаси – 2013» танлови ғолибаси Ҳилола Бадалова.

Мусобақада ғолиб бўлган спортчиларнинг энг кучлилари терма жамоа таркибида жорий йил Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида иштирок этади.

Бундан ташқари каратэчиларимизни жорий йилда яна бир қатор мусобақалар кутиб турибди. Май ойининг дастлабки кунларида Тожикистонда ўтадиган Марказий Осиё кубоги учун мусобақалар, май ойининг охирларида ташкил этиладиган Хитой очиқ чемпионати, август ойида Малайзияда уюштириладиган Осиё чемпионати, Германиянинг Бремен шаҳри мезбонлик қиладиган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати шулар жумласидандир.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

Тақдимот

КИТОБЛАР ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Халқаро маданият карвон саройида таниқли япон ёзувчиси Ясуси Иноуэнинг «Ғарб ўлкаси ҳақидаги хотиралар» номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Муаллифнинг барча асарлари 29 томдан иборат бўлиб, ҳар бир жилд 800 бетдан иборат. Ясусининг «Фуринкадзан», «Лоуланлар», «Кўк бўри», «Россия ҳақидаги тушлар» каби асарларини ўқиганингиз сари Япония, Хитой, Мўғулистон ва Марказий Осиёнинг узоқ ўтмиши кўз олдингизда намоён бўлади.

Ана шулардан бири «Ғарб ўлкаси ҳақидаги хотиралар» китоби бўлиб, уни таржимон Мария Кобижаева япон тилидан рус тилига ўгирган. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Э. Ртвеладзе китобнинг мақсад ва вазифаларини ишонарли ва содда қилиб очиб берган.

Мазкур китоб 1965-1968 йилларда-ги Ўрта Осиё ҳаёти ҳақида ёзилган бўлиб, икки қисмдан иборат. «Ғарб ўлкаси ҳақидаги биринчи хотиралар» қисмида Панжакент, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Душанбе ва Ашхобод шаҳарларининг кўчалари ва тарихий обидалари қаламга олинган.

«Ғарб ўлкаси ҳақидаги иккинчи хотиралар» қисмида эса Фарғона водийси, Амударё ҳамда Тяншанга саёҳат хотиралари моҳирона тасвирланган.

Ёзувчининг Ўрта Осиёга саёҳатни неча йиллар орзиқиб кутганини китобнинг хотима қисмида Фукуока — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг фахрий аъзоси Татцудзен Фудзино алоҳида таъкидлаб, шундай дейди: «Ясуси Иноуэ Буюк Ипак йўлига саёҳатини талабалик давримда шунчалар истаганидим! — деб ёзади. Бу қадимдан савдогарлар, турнақатор карвонлар орқали ипак матоларни Шарқдан Ғарбга олиб ўтган қадим йўлдир».

Тарихий фактларга бой ушбу китоб ҳар бир китобхонни ўйлашга, мулоҳаза қилишга чорлайди. Энг асосийси, эса у эзгуликка хизмат қилади.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўсмирларни Қуролли Кучлар сафидаги хизматга ва ҳарбий билим юртларига киришга тайёрлаш, ўқувчиларни аждодлар анъаналарига содиқ қилиб ўстириш мақсадларида мунтазам равишда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказиб келинади.

ШУНҚОРЛАР КУЧ СИНАШДИ

Жумладан, куни кеча Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Яккасарой туман босқичи ўтказилди. Яккасарой туман Мудофаа ишлари бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Яккасарой Ўқув СТК унитар корхонаси томонидан ташкил этилган мусобақада тумандаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

Мазкур беллашув шартларига кўра иштирокчилар югуриш, турникда тортилиш, мерганлик ва спортнинг бошқа турлари бўйича баҳс юритишди ҳамда тест саволларига тўғри жавоб топишда ўзларининг куч ва билимларини синаб кўришди.

— Режа асосида ҳар йили ўтказилаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасидан кўзланган асосий мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанимизга ҳурмат, садоқат ҳисларини шакллантиришдир, — дейди Яккасарой Ўқув СТК унитар корхонаси бошлиғи ўринбосари Санобар Маматова. — Аҳоли, айниқса, чақириққача бўлган ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш, ҳарбийлик касбига бўлган қўниқма, қизиқишларини ошириш, уларни муддатли ҳарбий ва сафарбарлик резервидаги ҳарбий хизматга тайёрлаш бизнинг вазифамиздир.

Мусобақа натижалари сарҳисоб қилинганидан сўнг, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейи фахрли 1-ўринга муносиб деб топилди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сонли академик лицейи жамоаси 2-ўрин ва Республика эстрада-цирк коллежи 3-ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиб, ғолиб жамоа мусобақанинг шаҳар босқичига йўлланма олди.

Бу каби тадбирларнинг доимий равишда ўтказилиши академик лицей, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарликларини яхшилаш, техник билимларини ошириш ва уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Зафар НАЗАРОВ

«101»

ҲАММАСИ ПОЙДЕВОРДАН БОШЛАНАДИ

Корхона, ташкилотлар, халқ таълими муассасаларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари, унинг оқибатида келиб чиқадиган вазиятлар тўғрисида кўплаб суҳбатлар ўтказилади. Бу яхши, албатта. Бироқ, аслида ёнғин хавфсизлиги талаб ва меъёрларига амал қилиш, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш дастлаб уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади.

Бино ва иншоотларда ёнғин хавфсизлиги талабларининг тўла бажарилиши уларда ёнғин содир бўлмаслиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги таъминланишининг муҳим кафолатидир.

Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда Тошкент шаҳри ҳудудида янгидан-янги бинолар қад кўтармоқда, турли корхоналар, мактаб, лицейлар, коллежлар, банк ҳамда тиббиёт масканлари барпо этилмоқда. Бу бинолар, албатта замонавий техника воситалари билан жиҳозланиши, давр талабига жавоб берадиган даражада қурилиши лозим. Бунда озгина бепарволик ёнғин хавфсизлиги хизмати талабларининг иккинчи даражага тушиб қолишига ҳамда вақти келиб бу биноларда ёнғин келиб чиқиши эҳтимолини оширади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида лойиҳалаш ва қурилиш жараёнида ёнғинга қарши тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш ёнғин хавфсизлиги хизмати меъёрий техник экспертиза гуруҳининг асосий вазифасини ташкил қилади. Бу борадаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат ёнғин назорати тўғрисида»ги Низоми асосида олиб борилади. Лойиҳани ишлаб чиқиш ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан назорат қилинади. Олиб борилаётган ҳар бир қурилишга ёнғин хавфсизлиги хизматидан тажрибали ходим лойиҳага киритилган ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун бириктирилади. Демак қурилиш ишларида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бевосита иштирок этади.

Ишлаб турган корхоналарда бино ва иншоотларни қайта техник жиҳозлаш, қайта қуриш ҳамда шу корхонага янги ишлаб чиқариш жиҳозларини ўрнатиш лойиҳалари юзасидан транспорт йўллари, электр, газ, алоқа ҳамда хабарлаш, ёнғинга қарши сув таъминоти тизимлари ўзгарганида давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ўз хулосаларини беради.

Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад ягона: ёнғинларнинг олдини олиш, мулк хавфсизлигини таъминлашдир. Зеро, қоидаларга тўла амал қилинган ҳолдагина мустаҳкам, мукаммал бинолар қурилади. Бу эса ёнғин хавфини бартараф этиш йўлидаги дастлабки қадам бўлиб хизмат қилади.

Равшан АРИПОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
Меъёрий техник экспертиза бўлими
муҳандиси, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясининг марказий диспетчерлик хизматида 1062 рақамли ишонч телефони ташкил этилди. Бу ерда Сиз шаҳар жамоат транспортининг иши юзасидан операторга ўз фикрингизни билдиришингиз ҳамда «такси буюртмаси» хизматидан фойдаланишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Тошкент шаҳар ҳокимлиги | «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

"D" ТОИФАСИДАГИ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИГА ЭГА БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ШАҲАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ПРИГЛАШАЕТ ВОДИТЕЛЕЙ С КАТЕГОРИЕЙ "D" ДЛЯ РАБОТЫ НА ГОРОДСКОМ ПАССАЖИРСКОМ ТРАНСПОРТЕ.

(99871) 233-03-23; 233-59-38

Тошкент ш., Амир Темур шоҳкўчаси, 1-тор кўча, 6-уй

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳикмат кўзгусида аксингни кўрасан.

* * *

Ёмонга тенг бўлганнинг ўзи ҳам яхши фазилат эгаси эмас.

* * *

Ёмон феълини ўзгартирибди десалар ишонманг.

* * *

Тенглик йўқ жойда чин маънодаги дўстлик бўлиши қийин.

* * *

Одамлар сирли нарсаларга қизиқадилар.

* * *

Ҳикмат — тафаккур машқи.

* * *

Ниқоб — ожизнинг қуроли.

* * *

Бир оғиз сўз билан кўнгилга бир умрлик шубҳа солиб қўйиш мумкин.

* * *

Кишининг ўзида мойиллик бўлгани билан бир ишни қилиш учун сабаб керак.

* * *

Бировга айтилган сирнинг сирлиги қолмайди.

* * *

Бўлар-бўлмас асаббузарликлар кишини чарчатади.

* * *

Икки киши билган сир учинчи кишига ҳам етмай қолмайди.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, кунниг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10 даража илиқ, кундузи — 17-19 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 апрелда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 456

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12137 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ